

# 500 000

# Тонна пахта

# Учун!

ЎЗКОМПАРТИЯ МАРКАЗИНИ  
КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ  
ПЛЕНУМИ ШАРАФИГА

## ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИ ТўЛА ИШГА СОЛАЙЛИК, БУТУН КУЧНИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ СЎРЪАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КПТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВАШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИҚИШИ  
№ 195 (1715)

1  
ОКТАБРЬ  
ШАНБА  
1960 ИЛ

БАҲОСИ  
20 ТИНИН.

«ТОШКЕНТ  
ХАҚИКАТИ»НИНГ

POSTIDAN

### Ишда нега унум йўқ?

«Пискент» совхозини 2-бўлимининг 3-бригадаси дала. Пахталар чамандек очилган. Лекин онда-сонда теримчилар кўринади. Бригада бошлиғи ўроқ А. Маҳмудовни шийоидда учратдик. Хирмонда 8-9 йилги пахта қоплаш билан банд, 5-6 киши ўзаро бахшалашиб ўтирибди.

«Пискент» совхозини 2-бўлимининг 3-бригадаси дала. Пахталар чамандек очилган. Лекин онда-сонда теримчилар кўринади. Бригада бошлиғи ўроқ А. Маҳмудовни шийоидда учратдик. Хирмонда 8-9 йилги пахта қоплаш билан банд, 5-6 киши ўзаро бахшалашиб ўтирибди.

— Пахтани жойлаб ўтирибман, — пинагини бузмасдан жаёб берди у.

Шийоидда аса 7-8 киши чордона қуриб чақчақлашиб ўтирибди. Булар ҳам шу бригаданинг аъзолари. Маълум бўлишича, улар теримчилар келтирган пахтани қанорларга жойлаш, қуритиш билан шуғулланишар экан, Ажабо! сажиз киши теримдаю, тўққиза киши соьда. Булардан ташқари бир киши чой қайнатиш, бир киши ош пилитиш, яна бир киши аса 3-4 болаи боиш учун ажратилган. Хуллас, теримчидан бекорчи кўп.

Маълум бўлишича, бу бригаданда 60 дан ортиқ киши теримда қатнашиши керак экан. Аммо уларнинг кўчилиги теримга сафарбар этилмаган. Назорат йўлидан хоҳлаганда ишга чиқиб, хоҳлаганда қайтишди. Шу тўғрисида 35-40 килограммда пахта таялти. Мамажон Яонбоев, Гоппар Жалилов, Садим ўринбоев, Сурун Бўронов каби гавдасидан куч ёйиб турган «азаматлар» аса кун бўйи 15-20 килограмм да пахта теришди.

Бундай аҳволни колхознинг Р. Соатов, А. Қосимов ўроқлар билан қўриқчилари ҳам учратди. Колхоз районда салмоқли ўрин тугади. 1270 гектар ердан 3 минг тонна пахта топириши керак. Графика бинаовн ҳар кун 52,8 тонна пахта теришиши лозим. Амалда аса 21-23 тонна пахта тайёрланаптир.

Колхозда 700 гектар ер машина теримига акратилган. Бунинг учун 2 та ХВС-1,2, 6 та СХМ-48 М марнали пахта териш машинаси бор. Лекин машиналар унумли ишламаптир. 5 машинанинг ҳар бири билан кунига ўртача 200 килограммда пахта терилмоқда.

Бундай намчилик районнинг бошқа колхозларида бўлганимизда ҳам кўзга яққол ташланди. «Гулстон» ва Тельман номили колхозлар пахта топиришида олдинда бормоқдалар. Ленин уларда ҳам машина теримига эътибор берилмаптир.

Машина терими дуруст бораётганидир, деб ўйлаган эдик. Афсуски, бу соҳада ҳам кўчилиги хира қиладиган намчиликлар бор. Далаларини айлашиб юриб, ўзоқдан СХМ-48М марнали машинага кўзимиз тушди. Яқинлашдик. Машина пайкал бошида тўхтаб ётардик. Комбинзон кийиб олган бир киши 3-4 та кўчи ўшлаб олиб, агрегатнинг атрофида напалавдек айлашиб юрибди. У хуноб эди.

Тельман номили колхозда 4 та машина билан шу кунгача 10 тонна, «Гулстон» колхозда 6 та машина билан 18 тонна, Энгельс номили колхозда машина билан ҳозиргача 500 килограмм пахта теришди. Жанов номили, Сталин номили, Хрушчев номили, Калинин номили колхозларида аса дефоляция кечикиб, сифатсиз ўқилганидан ҳалигача машина терими бошланмаган. Далаларини диққат билан айлашиб, антимеханизаторларни ҳам учратдик. Масалан, Хрушчев номили колхозининг У. Топеа ва В. Мадёров ўроқлар бошлиқ бригадаларида машина терими учун ажратилган 30 эатар ер қўлда териб юборилди.



### Мажбуриятини сўзсиз бажараман

Менинг мақсадим етукилик аттестатини қўлимга олганидан сўнг илгор теримчилар сафидан ўрин олиш эди. Мана, ҳозир мақсадим рўёбга чиқди. Яқинда районимизда бўлган теримчилар сўлдига катнашишни муяссар бўлдим. Шу сўлдига мен ҳам ўз дўстоналарим қатори она-Ватанга 15 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олдим.

Бригаданингнинг илгор теримчилари билан бир сафда туриб, мен ҳам кунига 200—220 килограммдан пахта теримдаман. Шу кунгача хирмонга 3 тоннага яқин пахта топиридим. Ҳозирги кунда бригаданингни терим суръати янада жадаллаштирилди. Мен ўз зиммамага олган юксак мажбуриятини шараф билан бажариш учун, эл хирмонига кўпроқ «оқ олтин» тўкиш учун курашмоқдаман.

Муҳаббат ОСМОНОВА,  
Оққўрғон районидagi Ворошилов номили колхозининг 4-бригада теримчиси.



### СЕРҲОСИЛ ДАЛАЛАР

Далалар, ҳазина яшириган далалар! Юртин ноз-неъматга сероб, кийим-кечак билан маъмур қилган далалар... Баъзи одамлар шу серҳосил далалардан нотияпти. Ҳузминиз сийраб, ҳосилимиз намроқ дейишпти. Еримиз семиз бўлганида пахта эрта очиларди, мана энди пахтамиз кечки деб доврүк қилишмоқда. Лекин буларнинг ҳаммаси асоссиз, пуч ёнғиқча ўхшаш гаплар.

Мана, Ғанишер ана бригадаси чоққива бир картадан 20 процент пахта йиғиб олпти. Эрта-индин кўрасиз. Бригада механизаторлари машина терими янада қизитиб юборишса, кунига 10 процент пахта эл хирмонига қўшлаверлади. Ҳосил намроқ деган гаплар ҳам мутлақо ўринсиз. Ғанишер ана Юнусов буни дейта-қайта таъкидламоқда. Мана унинг гапи:

— Кимки деҳқончиликни билмаса, бу йилги ҳосилдан нотияпти. Биз кўп йиллардан бери пахта ичида келишимиз. Утган йилгидай мўл ҳосилини илгари ҳеч кўрмаганмиз. Лекин бу йилги ҳосил ундан ҳам ортиқроқ. Мана бу кўсакларни қаранг. Шунанга кўни, пахта ҳам шунчаки серҳосил бўладики, деб ишонингиз, келмайди.

— Санаб кўрайликчи!

— Сананг, ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз. Бир тупда 90 та кўсақ, 9 таси очилтипти. Мана бунисида 105 та экан, 8 таси очилтипти. Бирданига 12 таси тиш ериб турипти. 5 кунда шулар лўпнак пахта термоқдалар. Ана шунда кўрасиз, терим суръатининг кўтарилишини.

Чиндан ҳам оқ олтинга оид далалар. Ҳов ана бобоён пахтазорда терим агрегатлари момиқларни симирмоқда. Улар пахтазор денгизига бир шунгидиларда, бир машина пахтани хирмонга тўнадилар. Камтар Вигит Иномжон Рустамов механизаторларга бош. У мавсумда 250 тонна пахта теришга аҳд қилган. Бошқача қилиб айтганда, унинг тарадиган пахта-теси 100 та машинага оқ бўлади. Ғанишер ана бригадасида кўп билан ҳам 10—11 тонна пахта териш ниятида ишлаётган теримчилар кўп. Тожи Исмомлова, Нисолат боймуродова, Каромат Олдибоева, Холмамат Абдувалиев, Халилхўр Юнусовлар шундай режалди теримчилар. Шу кунларда уларнинг ҳар бири 200—250 килограммдан пахта термоқдалар.

Чўл қаҳрамонлари марра томон жадал бормоқдалар. Бригада нечаги кунда 4 процент пахта тайёрлаган бўлса, бугун 5 процент терилади. Эртага 6 процент, балиғ 7 процент пахта тайёрланади. Чунки, бу ернинг деҳқонлари сўзида маҳман турадиган одамлар. Чўли чаман, тупроқни олтин қиладиган одамлар. Далаларини аса серҳосил далалар. «Оқ олтин»га бой далалар...

С. СУЛТОНОВ,  
Гулстон районидagi Ленин номили колхоз.

### ЎЛМАСХОН ЯНА КУРАШ МАЙДОНИДА

Ўлмасхон қўлига эганини олиб, қадрдон пахтазор томон йўл олганида қийинчоқ ўйқуда эди. Сутдек ойдин. Шундай дамларда меҳнат қилишнинг ўзига хос гаши бор. Шунинг учун ҳам ўлмасхон далага ҳар кун тонг ёришмасдан эрта чиқади.

Ўлмасхон йўлда шаҳдам қадамлар ташлаб, пахтазор қўйинга шошар экан, хаёлидан ўтказди:

— Бу йил катта ваъда бердим. Сўз берганидан кейин унинг устидан чиқиш керак. Бултур мажбуриятини ортинга билан бажариб, партия ва халқ олдида иззат-ҳурматга сазовор бўлдим, бу йил-чи? Мажбурият юксак.

Ўлмасхон шундай хаёллар билан пахтазорга бориб қолганини ҳам сезмай қолди. У эл-юрт оидлагилар шарафига ваъдани бажариш учун курашмоқда, гайратига-гайрат қўшиб меҳнати билан кўпчиликка намуна бўлмоқда. Ҳозиргача у 3 тонна пахта териб берди.

Т. УМУРЗОҚОВ.

### БИР КУНДА САККИЗ ТОННА

Оққўрғон, 30 сентябрь, (телефон орқали олинди). «Оққўрғон» совхозининг механик-ҳайдовчилари теримда кундан-кунга юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу ерда Файзулла Ғайбуллаевнинг номили хўрмат билан тилга оладики, ХВС-1,2 пахта териш машинасида ишлаб бошлаган Ғайбуллаев дастлабки кўнларда нарқ фидоқорона меҳнат қила бошлади. У агрегатини пухта созлагани ҳолда пахта териди. Шунинг учун ҳам Ғайбуллаев машинада пахта теришда ҳаммага ўрнак бўлди. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 40 тоннадан ортиб кетди.

7-бўлимнинг мажор механик-ҳайдовчиси Изет Иброҳимов ҳам мажор механизаторлардан ҳисобланади. Иброҳимов кеча совхоз бўйича энг юқори кўрсаткичга эришди. У машина билан хирмонга 8 тонна пахта тўқди.

Совхоз механик-ҳайдовчилари бир-бирлари билан мусобақалашиб ишлаб, ана шундай яхши натижаларга эришмоқдалар.

### Н. С. ХРУЩЕВНИНГ Нью-Йоркда бўлиши

НЬЮ-ЙОРК. 29 сентябрь. СССР Министрлар Совети Раисини ҳузурдаги матбуот группаси хабар берилади:

БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясидаги совет делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев 29 сентябрда БМТ ҳузурдаги совет ваколатхонасининг Парк-Авенюда жойлашган биносинда Польша Халқ Республикаси делегациясининг бошлиғи В. Гомулка билан учрашди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида Бош Ассамблеянинг иши ҳақидаги масала юзасидан ва бошқа калқаро масалалар юзасидан фикр олишув бўлди.

### НЬЮ-ЙОРК. 30 сентябрь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раисини Н. С. Хрушчев 29 сентябрь кечқурун БМТ ҳузурдаги совет ваколатхонасининг Парк-Авенюда жойлашган биносиде Буюк Британия бош министри Г. Макмиллан билан учрашди.

Бўлган фикр олишув давомиде муҳим халқаро масалалар, шу жумладан БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида қараб чиқилаётган масалалар тилга олинди.

Учрашувда А. А. Громико, А. Хўмов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

НЬЮ-ЙОРК. 30 сентябрь. СССР Министрлар Советининг Раисини Н. С. Хрушчев 29 сентябрь кечқурун БМТ ҳузурдаги совет ваколатхонасининг Парк-Авенюда жойлашган биносиде Буюк Британия бош министри Г. Макмиллан билан учрашди.


Бўлган фикр олишув давомиде муҳим халқаро масалалар, шу жумладан БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида қараб чиқилаётган масалалар тилга олинди.

Учрашувда А. А. Громико, А. Хўмов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.



(Социалистик мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар номи	Бир кунда	Мавсум бошланг	Районлар номи	Бир кунда	Мавсум бошланг
Юқори Чирчиқ	2,42	31,01	Қуйи Чирчиқ	1,72	14,11
Ўрта Чирчиқ	1,60	20,22	Оржоникидзе	1,04	13,97
Чиноз	1,72	19,07	Янгийул	1,11	13,47
Пискент	1,42	18,42	Гулстон	1,23	13,13
Оққўрғон	1,63	16,08	Бекобод	1,04	11,29
Сўйдарэ	1,58	15,43	Янгиер	1,16	9,75
Бўрда	1,59	15,74			



Суратда: ўроқ Х. ЭГАМБЕРДИЕВ.

### Ғайратли механизатор

Ҳолиқбердиннинг руҳи тетик. Ишга бўлган ҳаваси катта. Ахир олдинги мажбурият ҳам юксакда. Тюпкочи механизатор бу йилги мавсумда ХВС-1,2 марнали пахта териш машинасида нзм деганда 250 тонна пахта теришга қаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам у ишга эрта чиқади. Ҳар бир қўлай фурсатдан унумли фойдаланади.

Мана, бугун ҳам у «пулат отини» жойлаб пахтазорга кирганида ҳали тонг еришмаган эди. Карта эганига икки марта бориб келиб, бунердаги пахтасини хирмонга тўнаётган пайтда уни учратдик.

— Утган йил 70 гектар ерда онлаимиздаги уч киши билан ҳосил етиштирдик. Ҳамма ишни механизацияга суғиб қилдик. Натига ёмон бўлмади. Гектаридан 40 центнердан ҳосил топириш, планки 170 процент бажардик.

Ҳолиқберди шу гапларини айтган, ҳозирги ишларини тўғрисида ҳали гапириб ўтиришга вақт эрта, дегандек сўзи тухтади.

Ғани колхоз раиси ўроз Жарқинбоев давом эттирди: Ҳолиқберди меҳнат қилиб чарчамайдиган, ғайратли азамат йигит. Утган йили тер тўкиб, мўл ҳосил етиштирди, катта даромад олган эди. Ҳозир унинг тагида «Москвич» энгил автомашинаси бор. Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат деб шуни айтадиларди.

Кенг пахтазорга назар ташлагани киши бодроқдек оқариб турган, чаногидан тошиб кетаётгандек кўринган ҳосилин завқ билан кузатади. Ҳолиқберди Эгамбердиев машина билан кунига 3—3,5 тонна пахта териштирди.

Ойди УМАРОВ,  
Бука районидagi Илчи номили колхоз.





